



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 30 декабрь, № 264 (6958) Шанба

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИЛЛИЙ КИНО САЊЪАТИМИЗ РИВОЖИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 29 декабрь куни миллий кино санъати ва киноиндустриямизни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бош вазир, тегишли вазирлик ва идоралар, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ва унинг тизимидаги ижодий ташкилотлар раҳбарлари, киноижодкорлар вакиллари иштирок этди.

Дунё миқёсида турли гоё ва мафуралар кураши, одамлар, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун турли кучлар ўртасида рақобат кескин тус олган бугунги кунда энг оммавий санъат бўлган кинонинг беқисс имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Харакатлар стратегиясида кўзда тутилган мамлакатимизни модернизация қилишнинг устувор вази-фалари барча соҳа ва тармоқлар қатори кино санъатини ҳам такомиллаштириш, соҳа учун янги имкониятлар яратишни талаб қилмоқда. Шу мақсадда Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда кино санъати ва киноиндустриясини изчил тараққий эттириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Йиғилишда киноижодкорларимиз бундай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, халқимиз, айниқса, ёшларимизни истиқлол гоёлари руҳида тарбиялашга кўмаклашадиган, бой тарихимиз, буюк аждодларимизнинг бетимсол жасорати, замондошларимизнинг фидокорона меҳнатини акс эттирадиган, уларнинг ёрқин образлар тасвирланган фильмлар кўриш ҳақидаги орзуларини амалга ошириш йўлида барча куч ва имкониятларини ишга солишлари лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз соҳа олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб, кино санъатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёш режиссёр, актёр, оператор ва расомларнинг дунёдаги етакчи киностудиялар, маданият ва санъат йўналишидаги олий таълим муассасаларида таъриб ва малака оширишни ташкил этиш билан боғлиқ ишларни жадаллаштириш ва уни тизимли равишда йўлга қўйиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Маълумки, вилоятларимизда маданият ва санъат коллежлари, пойтахтимизда эса Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Нукус ва Қўқон шаҳарларида унинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда, деди мамлакатимиз раҳбари. Кино соҳаси учун сценарист ва режиссёрлар, оператор ва актёрлар тайёрланаётган бу таълим даргоҳларининг илмий ва ижодий савияси, ўқув дастурлари ва методикасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш лозим.

Мажлисида кино санъатимиз, киноиндустриямизнинг жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини таъминлаш, бунинг учун етук профессионал режиссёрлар, кинодраматурглар, актёрлар, расомлар, операторлар тайёрлаш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Яна бир муҳим масала — худудларда кинотеатрлар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш билан боғлиқ ишлар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. 1996 йилга қадар мамлакатимизда мавжуд бўлган 342 та қишлоқ ва ёзги кинотеатрларнинг 323 таси ўтган йиллар мобайнида хусусийлаштириб юборилган. Уларнинг асосий қисми савдо мажмуаси, тўйхона, бозорга айлантирилиб, фаолияти буткул ўзгаририлган ёки бузиб ташланган. Бугунги кунда мулкчилик шакли турлича бўлган 176 та кинотеатрдан 8 таси авария ҳолатида, 65 таси жиддий таъмир-халта, қолганларнинг деярли ярми фаолият кўрсатмайди.

Мамлакатимиз кино санъатини талаб даражасида ривожлантириш учун бу муаммоларнинг ечимини алоҳида топишимиз зарур, деди Президентимиз.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, вилоят ва туманларда кинотеатрлар фаолиятини катъий йўлга қўйиш бўйича тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Кинопрокат тизими ҳам қониқарсиз экани, бу яратилган фильмларни мунтазам намойиш этиб бориш, бошқача айтганда, аҳолига кино хизмати кўрсатиш қўламини кенгайтириш имкониятини чеклаб қўётгани танқид қилинди.

Бугунги кунда хусусий киностудиялар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Буни ижобий ҳол сифатида баҳрлаш мумкин. Бироқ санъатга меҳр қўйиш билан иш битмайди, яъни яхши фильм яратиш бўлмайди. Бинобарин, соҳа бўйича профессионал билимга эга бўлмай, ўқиб-ўрганмай, ҳақиқий устоз тарбиясини олмай, бу соҳада кутилган натижага эришиш мумкин эмаслиги таъкидланди.

Давлат томонидан берилмаган ижодий грантлар учун ўтказилмаган танловларда хусусий студияларнинг иштироки ўзига хос соғлом ижодий рақобатни юзага келтирди, деди давлатимиз раҳбари. Рақобат бор жойда албатта ривожланиш, янгилик бўлади. Миллий киноимизнинг тараққиёти учун бу ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаш-қувватлаш йилида барча соҳалар қатори миллий киноиндустриямизни ҳам инновацион ёндашувлар асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Биз миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида яратилган энг яхши

романлар, спектакллар, мусиқа ва тасвирий санъат асарларимизни, бадий фильмларимизни халқроқмиёсда намойиш этиш, дунё жамоатчилигига етказиш бўйича алоҳида тизим яратишимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев. Бундай асарларни хорижий тилларга таржима қилиш, уларнинг кенг тарғиботини ташкил этиш, халқроқ фестивал, кўргазма ва танловларда фаол иштирок этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Йиғилишда соҳадagi мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Жумладан, кинематография соҳасини ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш, хорижий киностудиялар ва киноижодкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, улар билан ҳамкорликда фильмлар яратишни йўлга қўйиш гоёт муҳим экани қайд этилди.

Биз буюк халқимизни улуғламоқчи, Ўзбекистон номини бутун дунёга таранум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати ёрдамида амалга оширишимиз керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз мумкин. Бунинг учун яна бир бор куч ва имкониятлар, ижодий салоҳиятни ишга солишимиз керак, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 18 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда) **25-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:
«қонун ҳужжатларида белгиланадиган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга худудларнинг ҳамда фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда пасайтирувчи ва ошиб борувчи коэффициентларни киритиш»;
ўн учинчи хатбоши ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **22-модданинг йнгирма тўртинчи хатбошидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
2) **23-модданинг:**
иккинчи қисми;
9-банди чиқариб ташлансин;
10-бандидаги «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси ФАНАЛ АКАДЕМИЯСИНING ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4907-сонли Фармонида мавофиқ, мамлакатимиз илм-фани нуфузини янада ошириш, илмий-технологик салоҳиятини юксалтиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, Фанлар академияси аъзолари таркибини фаннинг устувор йўналишларида олиб бораётган фаол илмий тадқиқот излашнилари натижалари билан республика ва халқроқ илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган танили олимлар ҳисобига кенгайтириш, мавжуд илмий мактаблар аъзоларининг давом эттириш ва янги мактаблар яратилишини таъминлаш мақсадида:

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси ФАНАЛ АКАДЕМИЯСИНING ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА СОБИҚ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНАЛ АКАДЕМИЯСИНING ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ВА МУХБИР АЪЗОЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРАЛРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ҳамда собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини янада қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини рағбатлантириш, республиканинг академик илм-фани нуфузини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:
2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари (кейинги ўринларда академиклар деб аталади) учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки баробари миқдориди, собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзолари (кейинги ўринларда мухбир аъзолар деб аталади) учун эса — энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробари миқдориди ойлик гонорар тўланади;
академикларга ва мухбир аъзоларга тўланадиган ойлик гонорарлар жисмоний шахсларнинг даромадларида солинадиган даромад солиғисиз амалга оширилади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 22-банди, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17, 30-моддаларига мавофиқ:

1. Қуйидаги шахсларнинг аризалари қаноатлантирилсин ва улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинсин:

1. **Аббасова Дилором Аюбжоновна**, 1987 йил 13 августда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

2. **Аббосов Валикон Аюбжонович**, 1978 йил 21 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

3. **Аббосов Илхом Аюбжонович**, 1980 йил 9 сентябрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

4. **Аббосов Нуриддин Аюбжонович**, 1991 йил 30 июнда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

5. **Аббосов Шухратжон Аюбжонович**, 1984 йил 28 январда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

6. **Абдуллаева Шахноза Алишеровна**, 1992 йил 30 июнда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

7. **Абдураимова Шахноза Шамсутдиновна**, 1991 йил 13 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

8. **Аглаева Мумина Зиядуллаевна**, 1949 йил 28 июлда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

9. **Азимова Зухра Тохтасиновна**, 1976 йил 25 февралда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

10. **Алиев Умеджон Усмоналиевич**, 1988 йил 26 мартда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди.

11. **Алимова Алтинай Мамасолиевна**, 1973 йил 3 августда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

12. **Алиханова Гулчехрахан Қаймовна**, 1971 йил 18 апрелда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди.

13. **Аманжол Элмурод Учқунович**, 1979 йил 24 мартда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, 2005 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган Саидбек исмли ўғли билан Андижон вилоятида яшайди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2863-сонли қарорига мавофиқ, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилмаётган хизматлар ҳамда ва турларини оширишни рағбатлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилмаётган тиббий хизматлар турлари 60 тадан 126 тага кўпайди. Стоматология ва

(Давоми 4, 5-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ «ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮҚОРИ НАТИЖАГА ЭРИШГАН СПОРТЧИЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОЙИШНИ ИМЗОЛАДИ

Фармойишда Олимпия ўйинлари дастурига киритилган оғир атлетика спорт тури бўйича 2017 йил 28 ноябрь — 6 декабрь кунлари Анахайд шаҳрида (АҚШ) ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган қуйидаги Ўзбекистон спортчилари:
Ёқубов Достон Жалолиддин ўғли 69 килограмм вазнда

биринчи ўринни (олтин медаль) эгаллагани учун 12 000 АҚШ доллари;

Собиров Фарҳодбек Анвар ўғли 94 килограмм вазнда иккинчи ўринни (кумуш медаль) эгаллагани учун 6 000 АҚШ доллари;

Ефремов Иван Владимирович 105 килограмм вазнда иккинчи ўринни (кумуш медаль)

эгаллагани учун 6 000 АҚШ доллари;
Эргашев Адҳамжон Абдуллажон ўғли 62 килограмм вазнда учинчи ўринни (бронза медаль) эгаллагани учун 3 000 АҚШ доллари миқдориди бир марталик пул мукофоти билан тақдирланиши белгиланди.

Ў.А.



Ёқубов Достон Жалолиддин ўғли



Собиров Фарҳодбек Анвар ўғли



Ефремов Иван Владимирович



Эргашев Адҳамжон Абдуллажон ўғли

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

⟨(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бошқа мажбурий тўловлар жумласига куйидагилар кирди:

- 1) давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар:
- ягона ижтимоий тўлов;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг сугурта бадаллари;
- давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар;
- Республика йўл жамғармасига йиғимлар;
- 2) давлат божи;
- 3) боғжона тўловлари;
- 4) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим»;

олтинчи қисмидаги «1 — 4» ва «5» рақамлари тегишинча «1 — 3» ва «4» рақамлари билан алмаштирилсин;

3) **30-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **80-модданинг еттинчи қисмидаги** «транспорт воситалари учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **121-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «икки баравари» деган сўзлар «тўрт баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «бир ярим баравари» деган сўзлар «уч баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **130-модданинг биринчи қисмидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **145-модда:**

17-бандидаги «агар ушбу Кодекс 147-моддасининг 7-бандида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20-бандидаги «солиқ тўловчининг фаолиятида зарур бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

30-банди «шунингдек солиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

50-банди «шунингдек пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги **58 — 63-бандлар** билан тўлдирилсин:

«58) ёрдамчи ҳўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган ва солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун бериладиган товарларнинг нархларидан фарқлар (зарарлар);

59) ҳўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар;

60) нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар;

61) шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишларини бажариш харажатлари;

62) ишлатиб келинаётган, тўлиқ эскирган асбоб-ускуна учун тўланадиган ҳақ;

63) ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини тўлашга доир харажатлар»;

8) **146-модда:**

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси «Ушбу моддада келтирилган харажатлар» деган сўзлардан кейин «агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм билан тўлдирилсин:**

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1 — 3-бандларида кўрсатилган харажатлар улар юзга келган пайтда жорий ҳисобот даврида ҳам чегирилиши мумкин»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

9) **147-модданинг:**

2, 4, 5, 7, 8, 16, 17, 26 ва 26¹-бандлари чиқариб ташлансин;

12-бандидаги «пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **154-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «10» рақами «7» рақами билан алмаштирилсин;

саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

11) **156-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

12) **176-модданинг 4-бандидаги** «инвентаризация» деган сўз «кадастр» деган сўз билан алмаштирилсин;

13) **179-модда:**

2-бандининг учинчи хатбошидаги «ота-оналарнинг болалари билан дам олишга махсус мўлжалланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12-банди «агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вақил қилинган органининг ҳулосаси бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги халқаро шартномалари доирасида бевосита ҳисомий шахсининг грант берувчидан олган гранти суммаси»;

19-банди чиқариб ташлансин;

14) **204-модданинг йигирманчи қисмидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **208-модданинг:**

17, 18, 20 ва 26-бандлари чиқариб ташлансин;

19-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«19) босма маҳсулотлар. Ушбу бандни қўлаш мақсадида босма маҳсулотлар жумласига миллий валюта (купюра), китоб маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларининг даврий босма нашрлари (реклама тусидаги босма нашрлар бундан мустасно), дафтарлар ҳамда расм ва чизмачилик альбомлари тааллуқлидир»;

16) **211-модданинг 11-бандидаги** «ёғоч-тахта» деган сўз «юридик шахслар томонидан олиб кўрилатган ёғоч-тахта» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **222-модда иккинчи қисмининг 9¹ ва 10-бандларидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) **228-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошидаги** «куйидаги ҳужжатлари ёзма аризага тўрт нусxada илова этган ҳолда» деган сўзлар «куйидаги ҳужжатлари қозғоғдаги шахлда уч нусxada илова этган ҳолда ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон ҳужжат тарзида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **261-модданинг иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қўйиладиган сув ҳажмига»;

20) **265-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари. Агар кўчмас мулк мулкдорнинг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахсининг эгаллигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир»;

21) **266-модда:**

биринчи қисмининг 1-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) кўчмас мулк, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган кўчмас мулк»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **иккинчи ва учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмининг биринчи жумласи чиқариб ташлансин;

22) **267-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«кўчмас мулк бўйича — ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сибсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда

ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади»;

иккинчи қисмидаги «ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошида ва учинчи қисмида кўрсатилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **268-модданинг иккинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошида ва учинчи қисмида кўрсатилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

24) **269-модданинг биринчи қисми:**

10-бандидаги «асосий ишлаб чиқариш фондларининг» деган сўзлар «кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15 — 16-бандлари чиқариб ташлансин;

25) 271-модданинг учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкка солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказуви органининг маълумотлари асосида давлат солиқ хизмати органилари томонидан амалга оширилади»;

26) **274-модданинг биринчи қисмидаги** «инвентаризация» деган сўз «кадастр» деган сўз билан алмаштирилсин;

27) **277-модданинг учинчи қисмидаги** «инвентаризация» деган сўз «кадастр» деган сўз билан алмаштирилсин;

28) **285-модданинг биринчи қисмидаги** «15 февралга» деган сўзлар «10 январига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) **286-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер солигини тўлаш юридик шахслар томонидан ҳар ойнинг 10-кунига қадар ер солиғи йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдоридан амалга оширилади»;

30) **290-модда биринчи қисмининг 10-банди** чиқариб ташлансин;

31) **291-модда** куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Якка тартибда уй-жой қуриш ва уйлари ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорка қисмига қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш ёки уни ободонлаштириш амалга оширилмаган тақдирда ер солиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уч баравар миқдорда тўланади»;

32) **XIII бўлим** чиқариб ташлансин;

33) **XIV бўлимнинг номидаги «ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

34) **301-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинандиган солиқни тўловчилар охириги истеъмолчиларга: бензин, дизель ёқилғисини, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали; газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслардир»;

35) **302-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бензин, дизель ёқилғиси ва газни охириги истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш солиқ солиш объектларидир» бундан иқтисодлаштирилган газ қуйиш шохобчалари орқали, аҳолига маъийнли эҳтиёжлар учун реализация қилинадиган суултирилган газ муастасно»;

36) **304-модданинг матнидаги** «Транспорт воситаларига», «транспорт воситаларига», «транспорт воситалари учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

37) **XV бўлимнинг номидаги «ИЖТИМОЙ ЖАМҒАРМАЛАРГА»** деган сўзлар «**ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИГА»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

38) 311-модда:

биринчи қисми куйидаги мазмундаги **4 ва 5-бандлар** билан тўлдирилсин:

«4) қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган ҳўнармандчилик субъектлари — «Ҳўнарманд» уюшмасининг аъзолари томонидан — ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

5) «Уста-шоғирд» мактаби ўқувчилари томонидан уларнинг 25 ёшга тўлгунга қадар бўлган иш даврида — йилга энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда. Белгиланган миқдордаги сугурта бадалларининг тўлашии меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади»;

учинчи қисмининг биринчи жумласи куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ешга доир пенсия ва нафақа олувчи ҳўнармандчилик субъектлари — «Ҳўнарманд» уюшмасининг аъзолари сугурта бадалини тўлашдан озоод этилади, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига кўрсатилган, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногирони бўлган шахслар учун эса сугурта бадалининг миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камиди 50 фоизини ташкил этиши керак»;

39) **52-бобнинг номидаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига»** деган сўзлар «**Давлат мақсадли жамғармаларига»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) **312-модданинг:**

биринчи қисми биринчи хатбошидаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми биринчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

41) 313-модданинг:

биринчи ва иккинчи қисмлари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, соф тушум давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларининг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база куйидагилардан иборат:

- 1) иссиқлик ва сув таъминотини амалга оширувчи юридик шахслар учун — маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;
- 2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини бажарувчи юридик шахслар учун — ўз кўчлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномасига ёнонён биуртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи биуртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кўчлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинандиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг биуртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;
- 3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топириқ шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги ҳақ суммаси;
- 4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун — товар обороти;

5) кредит ташкилотлари ва сугурта ташкилотлари учун — агар мажбурий модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад;

6) мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

7) газ таъминотини ва электр таъминотини амалга оширувчи юридик шахслар учун — қўшилган қиймат солиғи ва акциз солигини чегирган ҳолда тегишинча табиий газ ва электр энергиясини охириги истеъмолчига реализация қилиш ҳажми;

8) дон маҳсулотларини қабул қилиш (дон маҳсулотларини қабул қилиш ва донни қайта ишлаш корхоналари) фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар — қўшилган қиймат солигини чегирган ҳолда, устам ва чегирма»;

тўртинчи қисмидаги «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42) **315-моддадаги** «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) **XVI бўлимнинг рақамланиши ва номи** ҳамда **53-боб** чиқариб ташлансин;

44) **XVI бўлим** чиқариб ташлансин;

45) **349-модда:**

куйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида белгиланган чегаравий миқдордан ортиқ майдони бўлган ер участкаларига эга ягона солиқ тўлови тўловчилари учун ер солиғи»;

саккизинчи — ўн учинчи хатбошилари тегишинча **тўққизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

46) **354-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

47) **355-модда иккинчи қисми:**

1-бандининг:

биринчи хатбошидаги «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи ва саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

48) **356-модда биринчи қисмининг 3-банди** чиқариб ташлансин;

49) **363-модданинг бешинчи қисмидаги** «ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

50) **372-модда:**

бешинчи қисмининг учинчи хатбошидаги «15» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмининг иккинчи хатбошидаги «25» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

51) **374¹-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркор зиммасига унинг ҳар бир ҳодими учун якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга ошириладиган, фаолият бўйича назарда тутилган ставканинг 30 фоизи, I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ҳодимлар бўйича эса энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш мажбурияти юклатилади»;

52) **375-модданинг тўртинчи қисмидаги «25» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;**

53) **376-модданинг иккинчи қисмидаги** «ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган УРК-360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **28-модда:**

биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган аллоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга пасайтирувчи ва ошиб борувчи коэффицентларни киритиш тўғрисида ҳудудларнинг фаолиятини амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қарорлар қабул қилинади»;

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ваколатлар билан бир қаторда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилинади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **36-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат мақсадли жамғармалари куйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси; Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси; Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сугуриладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси»;

3) **38-моддадаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **39-моддадаги** «Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **41-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«41-модда. **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғармани бошқариш кенгашидир»;

6) **42-моддадаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **43-модда** чиқариб ташлансин;

8) **51-модданинг 5-бандидаги** «ва жарима санкциялари» деган сўзлар «жарима санкциялари ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **52-модда:**

биринчи қисми 2-бандининг:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи — еттинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи — олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидаги «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «ва дотациялар» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тасдиқланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимланиши мумкин»;

10) **54-модданинг номидаги ва биринчи хатбошидаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **55-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«55-модда. **Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасининг даромадларини шакллантириш** Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасининг даромадлари:

давлат мулки бўлган корхоналари, ҳўжалик жамиятларининг устас жамғармаларидаги акцияларни (улушларни), ер участкалари ва бошқа мол-мулкни реализация қилиш; устас жамғармаларида давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятларини тугатишдан тушган тушумлар; давлат мулки ижарасидан тушадиган маблағлар, ижара тўловини кечиктирилган учун пеня ва шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жарима суммалари; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади»;

12) **57-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«57-модда. **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг даромадларини шакллантириш** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари:

Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Давлат бюджети маблағлари; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади»;

13) **58-моддадаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **59-модда** чиқариб ташлансин;

15) **69-модда:**

биринчи қисмининг:

олтинчи хатбошиси «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини» деган сўзлардан кейин «адлия ва прокуратура органларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошидаги «адлия ва прокуратура органларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми «Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг» деган сўзлардан кейин «туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

16) **70-модда:**

биринчи қисми:

1-бандининг:

учинчи хатбошидаги «Саломатлик ва тиббиёт статистикаси институти» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи хатбошиси «жамоат ишларини молиялаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3-банди:

тўртинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар бил

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғичи 1, 2-бетларда).

қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлигини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари; туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимлари тасарруфидаги маданият муассасаларини, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданиятни, жисмоний тарбия ва спортни, болалар муסיқа ва санъат мактабларини ривожлантиришга доир мақсадли тадбирлар харажатлари; уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларни ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари; 2) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан: туманлар ва шаҳарлар давлат ветеринария бўлимлари, лабораторияларни сақлаб туриш; шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги қўчаларни, шунингдек хўжалиқлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш; уй-жой-коммунал хўжалиги объектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш; аҳоли пунктларини ободонлаштириш харажатлари; 3) туман ва шаҳар ҳокимликларини ҳамда уларнинг бўлимларини сақлаб туриш харажатлари; 4) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари; 5) туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш харажатлари; 6) бошқа харажатлар, шу жумладан қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тутилган айрим ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.

73-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари молия йили мубайнида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча, қўзда тутилмаган харажатлар ўз вақтида ҳамда улуқсиз молиялаштирилишини таъминлаш учун ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағлари тегишинча Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларига тўшадиغان даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармаларининг микдори макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари микдори Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларининг тақсимловчилари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги молия органлари билан дастлаб келишилган тақлифлар ташаббускорлар томонидан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига белгиланган тартибда киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг қарорлари асосида, ушбу қарорларда кўрсатилган аниқ мақсадларга ва микдорларда сарфланади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларидан қўшимча маблағлар ажратилиши тақлиф этилаётган мақсадлар учун Давлат бюджетига ҳам маблағлар назарда тутилган бўлса, у ҳолда тегишли захира жамғармаларининг маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги тақлифлар фақат илгари тегишли бюджетда назарда тутилган маблағлар сарфлаб бўлингандан кейингина киритилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларидан маблағлар ажратилган тадбирлар муайян муддатга эга бўлса, у ҳолда фойдаланилмай қолган маблағлар тадбирларни ўтказиш муддати тугаганидан кейин ўн иш куни ичида тегишли захира жамғармасига тикланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармасидан ажратилган маблағлар молия йили тугаган таърифта тикланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармасидан маблағлар олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органларига тегишли захира жамғармасидан ажратилган маблағлардан фойдаланилиши тўғрисида ҳар чорақда ҳисобот тақдим этади»;

19) 75-модданинг номидagi ва биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 76-моддадаги «Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 77-модданинг еттинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«бандликка қўмаклашиш маркалари бўлинмаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш»; 22) 78-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«78-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг харажатлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг маблағларидан:

мактабгача таълим муассасаларини, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларини, академик лицейларни, болалар муסיқа ва санъат мактабларини, олий таълим, илмий-тадқиқот муассасаларини, шунингдек тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (кайта жиҳозлаш) ишларини молиялаштириш; соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, таъшиқ кўйиш ва даволash асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ҳамда бошқа тиббий аппаратлар, махсус мебель ва анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда тизимли равишда кайта жиҳозлашни молиялаштириш; белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа мақсадлар учун фойдаланилади»;

23) 79-моддадаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин; 24) 80-модда чиқариб ташлансин;

25) 95-модданинг бешинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга, агар тақчиллик давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошидаги қолдиқ маблағлари билан қопланмаса, йўл қўйилмайди»;

26) 98-модданинг еттинчи хатбошидаги «ва дотацияларнинг» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) 99-модда иккинчи қисмининг «иккинчи хатбошидаги» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) 100-модда: биринчи қисмининг иккинчи хатбошидаги «ва дотациялар» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин; иккинчи қисмининг иккинчи хатбошидаги «ҳамда дотациялар» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) 107-модданинг учинчи қисми «Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг» деган сўзлардан кейин «туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин; 30) 112-модданинг олтинчи қисми ўн тўққизинчи хатбоши «Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг» деган сўзлардан кейин «туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) 119-модданинг биринчи қисми: куйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар»; бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

32) 134-модданинг биринчи қисмидаги «ва ўзаро ҳисоб-

китоблар бўйича маблағлар» деган сўзлар «ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин; 33) куйидаги мазмундаги 138-модда билан тўлдирилсин:

«138-модда. Мақсадли ижтимоий трансфертлар

Мақсадли ижтимоий трансфертлар юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга таълим ва тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар бўйича харажатларини қоплаш учун ажратилади.

Мақсадли ижтимоий трансфертларнинг микдорлари: Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига — асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда; Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тасдиқланаётганда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиланади.

Фойдаланилмаган мақсадли ижтимоий трансфертлар жорий молия йили охирида тегишли юқори турувчи бюджетга қайтарилиши керак»;

34) 140-модданинг учинчи қисми «ўтказиб берилмаган даромадларнинг суммаси» деган сўзлардан кейин «мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин; 35) 156-модданинг учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат қимматли қозғоларни чиқаришдан олинган тушумлар:

Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун; мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланмаган йирик инвестиция лойиҳалари ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун йўналтирилади»;

36) 177-модданинг номи ва биринчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«177-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилаётган давлат молиявий назорати

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари»;

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга эид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижросига етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўрнисида тушутирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун 2018 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Мазкур Қонун 2-моддасининг 11-банди, 13-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари ҳамда 15, 16, 30, 45 ва 48-бандлари 2018 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилмади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2017 йил 29 декабрь № ўРҚ—454

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

14. Атаджанова Гулшат Матвапаевна, 1978 йил 23 июлда Туркменистонда туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

15. Батиров Эргешбай Атаханович, 1975 йил 23 сентябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

16. Бобомуродова Гулноз Болтаевна, 1967 йил 26 сентябрда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

17. Боева Гулбахор Жовлиевна, 1960 йил 1 апрелда Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди.

18. Валиева Махмуда Мирзаевна, 1955 йил 14 январда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

19. Гайбердиева Айсулу Халвайевна, 1974 йил 18 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

20. Еников Дамир Фатихович, 1991 йил 2 июнда Озарбайжон Республикасида туғилган, татар, Бухоро вилоятида яшайди.

21. Жиянмуратов Санжар Анарбаевич, 1990 йил 28 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди.

22. Зарипов Алишер Фанижонович, 1974 йил 24 апрелда Тошкент Республикасида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

23. Ибрагимов Фархат Камилжанович, 1987 йил 20 августда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

24. Иргашова Мафтун Бегали қизи, 1996 йил 8 августда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сирдарё вилоятида яшайди.

25. Исакова Махмуда Уринбаевна, 1974 йил 9 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

26. Исакова Муҳайё Шополатона, 1976 йил 14 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

27. Исоқов Мақсуд Узоқович, 1971 йил 28 январда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

28. Камбаров Халилullo Абдулазизович, 1974 йил 5 мартда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

29. Каримова Парохатхан Даврановна, 1969 йил 27 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, уйғур, Андижон вилоятида яшайди.

30. Қойлиева Малохат Исраиловна, 1969 йил 7 августда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

31. Қомилова Моҳиратон Мамасалиевна, 1962 йил 3 февралда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

32. Қорбаева Одина Турсунбоевна, 1975 йил 18 июлда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

33. Мажитов Алижон Абдуқадирович, 1989 йил 15 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

34. Майдинов Хуснидин Тажиidinovich, 1986 йил

5 январда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

35. Матмусаева Надира Файзуллоевна, 1975 йил 26 октябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

36. Мазмуров Абдурашид Абдурахмонович, 1996 йил 7 октябрда Сирдарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сирдарё вилоятида яшайди.

37. Мирзаев Рустам Равшанович, 1988 йил 5 февралда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

38. Мирзалиев Сухбатullo Раҳматович, 1960 йил 23 ноябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

39. Назиров Васижан, 1942 йил 27 июлда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

40. Назиров Равшан Васижанович, 1979 йил 21 февралда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

41. Низомова Назира Аманиллоевна, 1975 йил 13 ноябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

42. Нишанов Исомжон Тажибаевич, 1994 йил 5 августда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

43. Норматова Муҳайёхан Маматалиевна, 1969 йил 22 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

44. Османова Мисрия Токтасиновна, 1977 йил 18 декабрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

45. Остонов Алийкул, 1940 йил 5 майда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди.

46. Остонов Ихтиёр Бафавич, 1971 йил 28 сентябрда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

47. Парманкулова Машура Фаиратовна, 1979 йил 24 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

48. Ражабов Ражаббой Жангир ўғли, 1957 йил 12 мартда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

49. Раимбеков Азизжан Закрижан ули, 1993 йил 27 мартда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

50. Рахимов Шурат Шавакатович, 1983 йил 29 июлда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

51. Режапова Оминахон Эшонқулловна, 1959 йил 3 мартда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

52. Садиқов Бако Қадирович, 1941 йил 13 июлда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

53. Садиқова Рухия Рошанқулловна, 1987 йил 15 июлда Туркменистонда туғилган, туркман, Бухоро вилоятида яшайди.

54. Саидиллаев Дилмурат Артуқоджович, 1976 йил 19 февралда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

55. Саиджонов Ойбек Наримонович, 1968 йил 27 январда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

56. Саломов Фанижон Низомиддинович, 1971 йил 30 январда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

57. Сариева Ожухон Хакимжоновна, 1985 йил 3 февралда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сирдарё вилоятида яшайди.

58. Саттаров Хуршед Мурадulloевич, 1973 йил 7 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

59. Собиров Шоҳрух Пазилдинович, 1980 йил 30 июлда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

60. Тиллабоев Абжапар Абдиллаевич, 1965 йил 18 февралда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

61. Тойчиева Мукаррам Турғунбаевна, 1961 йил 19 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

62. Токсонахунова Дилоромхон Саматахуновна, 1974 йил 16 февралда Қирғизистон Республикасида туғилган, уйғур, Андижон вилоятида яшайди.

63. Тўлғашиева Шаҳрина Муталиповна, 1964 йил 13 январда Андижон вилоятида туғилган, қирғиз, Андижон вилоятида яшайди.

64. Умурақов Дилмурод Турсунвич, 1966 йил 25 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

65. Уринбоева Зулфияхон Хамитжановна, 1963 йил 7 августда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

66. Усмонова Зинара Гайбуллоевна, 1948 йил 15 майда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

67. Фатоева Дирабжон Кенджабоевна, 1973 йил 31 июлда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Жиззах вило

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ва тегишли фан ихтисосликлари бўйича фаолият кўрсатаётган ҳақиқий аъзоларнинг тавсиясига асосан, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб тасдиқлансин:

Физика-математика фанлари бўйича

Азамов Абдулла — Фанлар академияси Математика институти бўлим mudiri
Бахадирханов Мухамед Кабир — Тошкент давлат техника университети кафедра mudiri
Бахрамов Сагдилла Абдуллаевич — Фанлар академияси физика-математика ва техника фанлари бўлими раҳбар-илмий котиби
Зайнабидинов Сиражидин — Андижон давлат университети профессори
Лақаев Саидхат Норжигитович — Самарқанд давлат университети кафедра mudiri
Усманов Тимурбек — Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти лаборатория mudiri
Эгамбердиев Шухрат Абдуманналович — Фанлар академияси Астрономия институти директори

Кимё фанлари бўйича

Жалилов Абдулахат Турапович — Тошкент кимё-технологиялар илмий-тадқиқот институти давлат унитар корхонаси директори
Ибрагимов Бахтияр Туляганович — Фанлар академияси бош илмий котиби
Намазов Шафат Саттарович — Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория mudiri
Тураев Аббасхан Сабирханович — Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори ўринбосари

Биология фанлари бўйича

Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич — инновацион ривожланиш вазири
Сабиров Равайн Заирович — Фанлар академияси Биоорганик кимё институти лаборатория mudiri
Тожибаев Комил Шаробитдинович — Фанлар академияси Ботаника институти директори

Техника фанлари бўйича

Аллаев Кахраман Рахимович — Тошкент давлат техника университети профессори
Игамбердиев Хусан Закирович — Тошкент давлат техника университети профессори

Мирсаидов Мирзиёд — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институти кафедра mudiri

Қишлоқ хўжалиғи фанлари бўйича

Сулаймонов Ботиржон Абдушукрович — Тошкент давлат аграр университети ректори

Тарих фанлари бўйича

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич — Ўзбекистон Миллий университети профессори
Юсупова Дилорам Юнусовна — Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

Иқтисодиёт фанлари бўйича

Абдурахманов Каландар — Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали директори
Аимбетов Нагмет Каллиевич — Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси

Филология фанлари бўйича

Каримов Наим Фатихович — Қатагон қурбонлари хотира музейи етакчи илмий ходими
Мирзаев Тўра — Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими

Юридик фанлар бўйича

Саидов Акмал Холматович — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

Педагогика фанлари бўйича

Жураев Рисбай — Кори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти лойиҳа раҳбари

Тиббиёт фанлари бўйича

Аляви Анис Лютфуллаевич — Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази лойиҳа раҳбари
Арипова Тамарахон Уктамонова — Соғлиқни сақлаш вазири Республика иммунология илмий маркази директори
Иноятова Флора Ильясовна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази лойиҳа раҳбари
Қурбанов Равайнбек Давлетович — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Назиров Феруз Гафурович — академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Санъатшунослик фанлари бўйича

Хакимов Акбар Абдуллаевич — Фанлар академияси Санъатшунослик институти бўлим mudiri
2. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б. С. Йўлдошев Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий аъзоларининг асосий фаолият йўналишлари доирасида 2018 йилга мўлжалланган "Йўл хариталари"ни тасдиқласин, ижросини назорат олсин ва режалаштирилган барча тадбирларнинг тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўрсин.
"Йўл хариталари"да Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий аъзолари томонидан, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилсин:

- илмий тадқиқот ва инновацион фаолият; илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш; жойларда илмий мактабларни ривожлантириш; ўз фаолиятига тегишли ҳудудий ва тармоқ муаммоларининг илмий асосланган ечимларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш; таълим жараёнида иштирок этиш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш; халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро миқёсда Ўзбекистон илм-фани нуфузини оқсатириш; илм-фан тараққиётини таъминлаш ва инновацион жараёнларни жадаллаштириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, замонвий илм-фан уюқларини жойларда кенг тарғиб қилиш.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Б. С. Йўлдошев Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий аъзоларининг 2018 йилга мўлжалланган "Йўл хариталари" ижроси мониторингини юритсин ҳамда йилнинг ҳар чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасига таҳлилий маълумот киришти борсин.
- 4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 29 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА СОБИҚ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ВА МУХБИР АЪЗОЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги 2018 йил 1 январдан бошлаб ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни ажратишни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

- қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирилар Маҳкамасига тақлифлар кириқсин; ўзлари қабул қилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсинлар.
- 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4907-сонли Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги "Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиғи фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5146-сонли Фармонининг 1-бандида иккинчи ва учинчи хатбoshiлари чиқариб ташлансин.
- 5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С. Р. Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиғи вазири Э. Т. Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б. С. Йўлдошев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 29 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА СОБИҚ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ВА МУХБИР АЪЗОЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНЛАРИГА ШАРҲ

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илгор илмий ютуқларни амалиётга жорий этиш, жойларда илмий мактабларни мустаҳкамлаш ҳамда тегишли ҳудудий ва тармоқ муаммоларини ҳал қилишда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, халқаро миқёсда мамлакат илм-фани нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.
Фанлар академияси ҳақиқий аъзоллигига охириги сайловлар 1995 йилда ўтказилгани мазкур Фармоннинг тарихий аҳамиятини янада оширади. Утган йиллар мобайнида академикларнинг сони икки мартадан кўпроққа қисқарди ва ҳозирги кунга келиб академиянинг атиги 63 нафар ҳақиқий аъзоси қолган эди.
Давлатимиз раҳбарининг топириқлари ижроси доирасида қисқа вақт ичида илмий тадқиқот фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базаси ва молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш, моддий-техника салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган мақсадли комплекс чора-тадбирлар илчил равишда амалга оширилмоқда.
Бу кенг қаровли вазифаларни амалга оширишда мамлакат фундаментал фанининг

етақчиси сифатида Фанлар академияси ҳақиқий равишда алоҳида ўрин тутаяди.
9 та илмий-тадқиқот муассасаси Фанлар академияси таркибига қайтарилди, қатор илмий ташкилотлар қайта ташкил этилди, Фанлар академиясининг фан йўналишлари бўйича 3 та бўлими ва Навоий бўлими ташкил этилди, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилди. "2017 — 2021 йилларда республикада илмий-тадқиқот муассасалари инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури" амалга оширилмоқда.
2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юрлари ва илмий-тадқиқот институтилари ҳузурда ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш белгиланган.
Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил — "Фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилиниши Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш-

га хизмат қилади ҳамда иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳасида инновацион жараёнларни жадаллаштиришга қатъи тўртки беради.
Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони билан 22 илмий тадқиқот маркази, 22 илмий тадқиқот маркази, 22 нафар янги ҳақиқий аъзоси тасдиқланди.
Тасдиқланган академиклар қаторидан — республиканинг физика-математика, кимё, биология, техника, қишлоқ хўжалиғи, тарих, иқтисодиёт, филология, ҳуқуқшунослик, педагогика, тиббиёт фанлари ҳамда санъатшунослик соҳаларида кўзга қўрилган, замонвий илмий тадқиқот фаолиятини белгилаб берадиган қуйидаги қатор муҳим мезонлар бўйича кўп босқичли саралашдан муваффақиятли ўтган олимлари ўрин олди:
илмий жамоатчилик томонидан тан олинган, илм-фани шаклий ютуқлари ва йирик илмий натижалари билан бойитган;
ўз йўналишида янги илмий мактаб ташкилотчиси ва раҳбари бўлган ёки мавзуд илмий мактабни ривожлантиришда бевосита иштирок этган;
амалиётга жорий этилган ишланмаларга эга бўлган ёки ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа хо-

димлари томонидан эришилган фан ютуқларини ишлаб чиқаришга ёки амалиётга жорий этишда бевосита қатнашган;
фундаментал, амалий илмий лойиҳалар ва инновацион ишланмаларга илмий раҳбарлик қилган;
халқаро илмий лойиҳаларга илмий раҳбар бўлган ёки уларни бажариш ва халқаро илмий ҳамкорликда иштирок этган.
Танловли саралаш асосида академиклар қаторини тўлдирish натижасида Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари таркиби ёшарди, бу академикларнинг бой ҳаётий тажрибаси ва интеллектуал салоҳиятидан илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларида самарали фойдаланиш имкониятини беради.
Бундан ташқари, академикларни илмий, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш режалаштирилган.
Фармон билан, шунингдек, академикларнинг асосий фаолият йўналишлари доирасида 2018 йилга мўлжалланган "Йўл хариталари"ни тасдиқлаш топириқлиб, улар томонидан илмий-инновацион соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, замонвий илм-фан ютуқларини оммалаштириш бўйича мақсадли тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.
"Йўл хариталари"да республикамизнинг чек-қа ҳудудлари, олис туман ва қишлоқлари маълум ишлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимиз Президенти, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ҳамда собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга ҳам имзо чекди. Фармонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоларига энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки баробари;
собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи фанлари академиясининг мухбир аъзоларига энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробари миқдорда ойлик гонорар тўланиши белгилаб берилди.
Бундан ташқари, академиклар ва мухбир аъзоларга тўланадиган ойлик гонорарлар жисмоний шахслар даромадлари солинадиган даромад солиғисиз амалга оширилади.
Мазкур фармонларнинг қабул қилиниши академик илм-фан нуфузини янада ошириш, унинг кадрлар ва интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни илм-фан соҳасига кенг жалб қилиш, Фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида инновацион жараёнларни жадаллаштириш борасида давлатимиз томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг илчил равишда давом этирилишидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И
ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Натижада хусусий тиббиёт муассасаларининг сони 440 тага қўлайиб, уларнинг умумий сони 4 мингга етди.
Шу билан бирга, давлат тиббиёт муассасаларининг айрим функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига ўтказиш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, шунингдек, республикада ва чет элда тиббий кадрларнинг малакасини ошириш, тиббиёт ташкилотларини аккредитациялаш тизимини жорий этиш масалалари долзарблигига қолмоқда.
Соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини ривожлантириш ни янада рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳамжамларини янада кенгайтириш, хусусий тиббиёт соҳасига инвестицияларни жалб қилиш мақсадида:
1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги (Шодмонов) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги (Қўчқоров)нинг давлат тиббиёт ташкилотлари функцияларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида тадбиркорлик субъектларига ўтказиш юзасидан чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш;
ёрдамчи бўлинмалар (озик-овқат блоклари, кир ювиш хоналари ва бошқалар) фаолиятини таъминлаш;
рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги томонидан аниқланадиган айрим тиббий хизматларни кўрсатиш юзасидан тақлифлари маъқуллансин.
2. 2018-2019 йилларда ҳудудларда хусусий тиббиёт

ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича параметрлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:
бир ҳафталик мuddатда 2018-2019 йилларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати (кейинги ўринларда манзилли рўйхат деб аталади) ва унинг "Йўл харитаси"ни мазкур қарор иловасига мувофиқ тасдиқласин.
Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда манзилли рўйхат лойиҳалари ташаббускорларига улар белгиланган тартибда зарур ҳужжатларни тақдим этганда қўрилиши амалга ошириш учун ер майдонлари ажратсин;
Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда, истисно тариқасида, манзилли рўйхат лойиҳалари ташаббускорларига давлат мулкидаги фойдаланиладиган турган объектларни "ноль" харид қийматида сотсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги ва "AKFA MEDLINE" масъулияти чекланган жамиятининг:
Тошкент шаҳрида Корея Республикаси етакчи олий тиббий таълим муассасаларидан бирининг фаолиятини ташкил этиш;
Корея Республикасининг тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда "AKFA MEDLINE"

МЧЖ хусусий клиникаси негизида Хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш ва маҳаллий тиббиёт кадрлари малакасини ошириш марказини ташкил этиш;
Корея Республикасининг илгор клиниклари ва тиббиёт марказларининг диагностика, даволаш, сервис ва менежмент масалалари бўйича тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиз тиббиётига жорий этиш учун улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
"AKFA MEDLINE" масъулияти чекланган жамиятининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш бўйича тақлифлари маъқуллансин.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги (Юсупалиев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги (Набиев) ҳамда "AKFA MEDLINE" МЧЖ (Нигманов) билан биргаликда бир ой мuddатда мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган тақлифларни амалга ошириш бўйича дастур лойиҳасини ("Йўл харитаси"ни) Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасига тасдиқлаш учун кириқсин.
6. 2018 йил 1 январдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотларида ишловчи шифокор-пенсияерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланиши белгилансин.
7. "Асака" акциядорлик-тижорат банки (Муллажонов) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги (Юсупалиев) билан биргаликда бир ой мuddатда "Асака" акциядорлик-тижорат банки қосидаги нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг қуйидаги харажатлар нисбатини назарда тутадиган фойдаланиш тартибин тасдиқласин;
беш фоиэ — юқори малакали хорихий мутахассисларни

жалб қилиш ва хусусий тиббиёт ташкилотлари шифокорларини хорихий мамлакатларга малака ошириш учун юборишга; тўқсон беш фоиэ — хусусий тиббиёт ташкилотларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамаси бир ой мuddатда республиканинг ҳар бир ҳудуди учун 1 миллион АҚШ доллари миқдорда ресурслар ҳажмини назарда тутган ҳолда, "Асака" акциядорлик-тижорат банки қосидаги нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг 14 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағларини шакллантириш манбаларини аниқласин.
9. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига янги ташкил этилаётган ва фаолиятини кенгайтираётган хусусий тиббиёт ташкилотларини, шу жумладан, манзилли рўйхатда назарда тутилган хусусий тиббиёт ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар замонвий тиббиёт асбоб-ускуналарини сотиб олиши, шунингдек, мутахассисларининг малакасини ошириш ва хориджан қўлини маалакали мутахассисларни жалб этишни ташкил этиши учун белгиланган тартибда имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин.
10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги (Юсупалиев):
а) икки ой мuddатда:
хусусий тиббиёт ташкилотлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун хорихга юбориш, шунингдек, хорихдан юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш тартибин;

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Хайдаров) билан биргаликда давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини тадбиркорлик субъектларига бериш тартибини;

ушун ўқув база сифатида фойдаланиш тартибини тасдиқласин ҳамда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб жорий этсин;

улarga ташкилий-маслаҳат кўмагини кўрсатган ҳолда мамлакатга кириш ва чиқиб кетиш соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи тиббий туризмни ривожлантириш концепциясини;

Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Қасимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Қ. Ақмалов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 29 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида"ги қарори соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини ривожлантиришни ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қувватлаган ҳолда янада рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмларини кенгайтириш, хусусий тиббиёт соҳасига хорижий инвестицияларни янада жалб қилиш мақсадида қабул қилинди.

Натижада хусусий тиббиёт муассасаларининг сони 440 тага кўпайиб, уларнинг умумий сони 4 мингдан ошди. Икки мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

яхшилаш мақсадида қарорда тиббиёт ташкилотларида меҳнат қилаётган шифокор-пенсонерларга пенсияни тўлиқ миқдорда тўлаш назарда тутилган.

ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари талабалари, малакасини ошираётган амалиётчи шифокорлар учун ўқув база сифатида фойдаланишни назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уни 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб жорий этиш бўйича вазифа юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2863-сонли қарорига мувофиқ, соғлиқни сақлаш тизими хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини оширишни назарда тутувчи кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, давлат тиббиёт муассасаларининг алоҳида функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига бериш имкониятларини кўриб чиқиш, соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий туризм ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, тиббий кадрлар малакасини республикада ҳамда чет элда ошириш, хусусий соғлиқни сақлаш секторини янада ахборот-коммуникация тизимига интеграциялаш, шунингдек, тиббиёт ташкилотларини аккредитациялаш тизимини жорий этиш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Қарорда хусусий тиббиёт ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилган. Хусусан, "Асака" акциядорлик-тижорат банки қошида ташкил этилган нодавлат тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига ҳар бир ҳудуд учун ҳажми 1 миллион АҚШ доллар миқдорда бўлган навбатдаги 14 миллион АҚШ доллар ҳажмидаги транс кредит маблағларини ажратиш назарда тутилган.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда тиббиёт ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш концепциясини ҳамда тиббий туризмни янада ривожлантириш, хорижий фуқароларнинг тиббий хизмат олиш учун республикага кириши учун қўлай шарт-шароитларни яратиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Утган давр ичида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари кенгайтирилди, уларнинг сони 50 данга 126 тагача ошди. Хусусий тиббиёт ташкилотлари стоматология ва косметология хизматларидан ташқари, 2022 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги соғлиқлар ҳамда мажбурий ажратмалар тўлашдан, олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бугловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ва материаллари учун божнона тўловларидан озод қилинган.

Қарорнинг муҳим аҳамиятга эгалиги шу билан тасдиқланадики, унда давлат тиббиёт ташкилотларининг ёрдамчи бўлинувчиларини (оziқ-овқат блоклари, кир ювиш хоналари, тиббий чикиндиларни йўқ қилиш ва ҳ.к.) хусусий сектор вақилларига бериш орқали давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш назарда тутилган. Бундан ташқари, хусусий тиббиёт ташкилотларига шартнома асосида давлат тиббиёт ташкилотларининг баъзи бир тиббий хизмат турлари (лаборатория, гемодиализ, стерилизация ва бошқалар) ҳам ўтказилди. Уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Қарорда хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш, хусусий тиббиёт ташкилотлари шифокорларини малака ошириш учун хорижий мамлакатларга юборишга ҳамда нодавлат тиббиёт ташкилотларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга қаратилди.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш унинг республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишдаги салмоқини сузсиз оширади. Бу эса, ўз навбатида, ишончли статистика маълумотларини шакллантириш учун янада ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради. Соғлиқни сақлашнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги изчилликни таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хусусий тиббиёт ташкилотларининг ахборот тизимларини "Соғлиқни сақлаш" комплекс ахборот тизимига улаш, келгусида эса уларни Ягона интерфаол давлат хизматлари порталига интеграциялаш бўйича тақлифларни тайёрлаш вазифаси топширилди.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида янгидан ташкил этиладиган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг давлат рўйхатига олиниши кўндан кўндан бошлаб 10 йил мuddатга ягона солиқ тўловидан озод этилиши қишлоқ ва олис туманларда хусусий тиббиётни ривожлантиришни тезлаштириш имконини берди.

Қарор билан 2018-2019 йилларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича лойиҳаларнинг тиббиёт ихтисослиги турлари, молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари кўрсатилган манзилли рўйхати тасдиқланган.

Билдирилган тақлифларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида уларни амалга ошириш юзасидан бир ой мuddатда "Йўл харитаси"ни тайёрлаш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш юзасидан вазифа топширилди.

Умуман, мазкур қарорнинг амалга оширилиши соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини жadal ривожлантириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг юқори малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини янада оширади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — БОШ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

26 йилда бажарилмаган ишлар бир йилда фазовий тезликда амалга оширилди

Кейинги йилда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатлар яхшиланиб бораётгани кузатилмоқда. Бунга кўп жиҳатдан Ўзбекистон тўғрисида эришилмоқда. Унинг раҳбари мамлакат Президенти лавозимини эгаллаши билан қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилашни Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши сифатида белгилатади. Президент Шавкат Мирзиёев қисқа вақт ичида минтақанинг асарият мамлакатларида бўлди ва Ўзбекистоннинг бу истаги самимий эҳтишгани амалда исботлашга улгурди. Бу борада Қирғизистон билан муносабатлар яхшиланиши нумуна деб ҳисобласа бўлади. Чунки ҳукумат ва бизнес вақиллари иштирокчида кўплаб расмий учрашувлар ўтказилди, 26 йил давомида ҳал қилинмаган кўплаб масалаларга ечим топиш имконини берган муҳим келишувларга эришилди ва шартномалар имзоланди.

вақилларининг учрашуви) шаклидаги учрашувларда иштирок этди. С. Пономарёв Ўзбекистон Қирғизистон иқтисодийдаги қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган етарли даражадаги оziқ-овқат ва саноат тармоқларида эга эканини таъкидлайди. «Ушбу мамлакатда 32 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади, шунинг учун ҳам бизнинг товарларимиз Ўзбекистон бозорларида рақобатбардош бўлиши мумкин», дея қайд этди у.

Бунга қўшимча, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг тараққиёт босқичига кўтарилганидан гувоҳлик беради. «Бунда мамлакатлар раҳбарлари ва ҳукуматлар, энг асосийси — халқларимиз ўртасидаги ишонч ва самимийлик муҳим ўрин тутди», деб таъкидлайди сиёсатшунос.

Кирғизистон билан кўп қиррали, кўп даражали, ўзаро манфаатли ва амалий алоқаларни шакллантириш Ўзбекистоннинг устувор мақсадларидан бири ҳисобланади. 2016 йил октябр ойида бошланган ва йил охирига қадар давом этган икки мамлакат ҳукумат делегацияларининг мунтазам учрашувлари буни тасдиқлайди. Бир фактни қайд этиш зарур: 2017 йил август ойида Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматлари ора комиссияси қайтадан иш бошлади. Уни икки мамлакат Бош вазирлари бошқармоқда. Ўзбекистоннинг комиссияси ишда бундай юқоқ даражада иштирок этиш амалиёти фақат Россия ва Хитой билан амал қилади.

Кирғизистон Республикаси бозорлар ассоциацияси президенти кирғизистонлик тадбиркорлар Ўзбекистонда енгил саноат юқоқ даражада ривожланиши билан танишишганини мисол тариқасида келтиради. Иқтисодчи икки давлат ҳам бир-бирдан кўп нарсани ўрганиши мумкинлигини ошқорча қайд этмоқда.

Э. Осмонбетов мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 250 миллион АҚШ долларига етгани икки томонлама алоқалар тарихида ҳали кузатилмаганини, бу давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада юқоқ даражада кўрсаткичлардан эканини таъкидлади.

2017 йил январь — сентябрь ойларида савдо айланмаси 231,1 миллион долларни ташкил этганини ўзаро муносабатларни яхшилашнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қайд этиш мумкин. Бу 2016 йилнинг шу давридаги нисбатан 60 фоиз кўпдир. Мамлакатлар кесимида олсак, Қирғизистон Ўзбекистонга 109 миллион долларлик махсулот экспорт қилган, бу ўтган йилдагига нисбатан 17 фоиз ошган. Ўзбекистондан импорт ҳажми эса 122,1 миллион долларни ташкил этди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 2,6 баробар кўпдир. Йил якунлари бўйича товар айирбошлаш ҳажми 280 миллион долларга етгани кузатилмоқда, қисқа мuddатдаги истиқболда икки мамлакат ўртасида савдо ҳажмини 500 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

«Мен бунди яхши маънода гапиряман, чунки қўшни мамлакат биз билан ўз таърибасини алмашиши ва, ўз навбатида, биз ҳам улар билан ўтқиларимизни ўртолқашимиз учун етарли асос бор. Шунингдек, савдо-иқтисодий алоқаларни нафақат ЕОИИ доирасида, балки Ўзбекистон ва Хитой билан ҳам ривожлантириш имкониятига эгамиз. Ҳозирги вақтда ҳамкорлик қирраларини топишга уринишлар амалга оширилмоқда», дейди у.

«Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистон Ўзбекистоннинг энг яқин қўшини, деган сўзлари биз минтақада стратегик шериклик даражасига кўтарилганини аниқлаётди», деб қўшимча қилади эксперт.

2017 йил сентябрь ойида Қирғизистон Республикасига давлат таширифи чоғида имзоланган чегара тўғрисидаги шартнома давлат чегара чизикларининг 85 фоизи бўйича келишиб олиш имконини берди. Музокараларда икки давлат раҳбарлари Қирғизистон — Ўзбекистон чегарасини дустлик чегарасига айлантириш истагини билдирдилар. Бу борада ҳали маълум қийинчиликлар бўлишига қарамай, қолган ҳудудлар бўйича ҳам келишиб олиш учун барча имконият мавжуд.

Декабрь бошида Бишкекда бўлиб ўтган Қирғизистон — Ўзбекистон қўшма корхонаси тақдироти икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг дастлабки одимларидан бири, десак, мулобага бўлмади. Қўшма корхона Қирғизистоннинг Бишкек, Уш ва Чуй вилоятларида Қора-Болта шаҳарларида автобиллар йиғини йўлга қўйиши режалаштирилмоқда.

Унинг таъкидлашича, Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбековнинг Ўзбекистонга таширифи чоғида делегация таркибида кирғизистонлик ишбилармонлар ҳам бор эди. Тошкентда кирғизистонлик ва ўзбекистонлик ишбилармонлар «G to B» (ҳукумат вақилларининг ишбилармон доиралар билан учрашуви) ҳамда «B to B» (бизнес

Қозоғистон Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди



22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат тарихида илк бор парламентга Мурожаатнома тақдим этди. Ўзбекистон етакчиси қўллаб демократик давлатларда кенг ёйилган бундай шаклдаги ёндашув орқали мамлакат келажаги, тизимни ислох қилишнинг йўналишлари ҳақида сўз юритди. Ушбу ташаббуслар ва янгича қарашлар стратегик характерга эгаллиги билан долзарбдир. Шу нукта назардан кетинди қувиш амалиётидан воз кечиш ҳақидаги фикрлари барчада қизиқиш уйғотди.

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

Яқунига етаётган 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили Ўзбекистонда давлат ва аҳоли ўртасида ўрнатилган тўғридан-тўғри алоқалар ҳукуматга жамиятда тўпланиб қолган асосий муаммоларни аниқлаш имконини берди. Буни 2016 йил октибрда ташкил этилган Халқ қабулхоналарига юборилган мурожаатлар сони ва уларга тезкор жавоб берилиши йўлга қўйилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўйлаш мумкин, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш Ўзбекистонда янги ташаббусларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим омил бўлаётди.

социация ташкил этилди. 2018 йилда Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш режалаштирилган. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий ўзгаришлар Ўзбекистон юртимизнинг янги сивёсининг асосий мезонларидан бирига айланди. Валютани эркин конвертация қилиш, янги эркин иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятини йўлга қўйиш, солиқ юқини камайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш мамлакатда ишлаб чиқариш даражасини ва экспорт қилиш имконини янада оширади. «Фаол тадбиркорлик, инновациялар ва технологиялар йўли» деб номланган 2018 йилда илгор технологиялар ҳамда бошқарув усулларини қўллаш орқали фаол тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Оролбўйидаги экологик ташаббуслар ҳам Қозоғистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Молия вазирлиги ҳузурида тузилган Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси чўлланиш ва сув ресурсларини бошқаришда муҳим муассаса бўлиши шубҳасиз. Маданий-гуманитар соҳани ривожлантириш билан боғлиқ ташаббуслар ҳақида алоҳида фикр юритишни ўринли, деб ҳисоблайман. Чунки Ўзбекистон минтақадан ислом маданияти марказларидан бири саналиб, уни асраб-авайлаш ва янада оммалаштириш учун жиддий саъй-ҳаракатларни амалга ошираётди. Ислоҳ цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқроқ илмий-тадқиқот марказлари, Ислоҳ академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилди. Шулар қаторида буюк алломаларнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича махсус мактаблар ташкил этилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 миңдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Ушбу ноб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб

топиш мумкин. Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлаштиришга даъват этадиган теран маъноли фикр ҳамда гоёлар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Шу мақсадда Ўзбекистон раҳбариятининг жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашаётгани янада эътиборлидир. Ўзбекистон ҳукумати диний экстремизм гоёлари таъсирига адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича ишларни янада такомиллаштиришда маҳалла институти фаолиятини янада ривожлантиришга ургув бераётгани ҳам беқизиш ташаббусдир. Шавкат Мирзиёевнинг таъкидига кўра, биринчи навбатда, Марказий Осиёга қаратилган бўлиб, минтақадаги масалаларни тезда ҳал этиш ва ушбу ҳудуддаги давлатлар ўртасида янада яқинроқ ҳамда ишончли алоқаларни ўрнатишга имкон беради. Мамлакат раҳбарияти экспорт-импорт операцияларини самарали амалга ошириш учун яқин кўшнлар билан таъкид иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда. Ҳаёжон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ҳам Ўзбекистоннинг ҳаёжон бозорига одатда қабул қилинган қоидалар бўйича ҳаракатланишга тайёригини билдиради. Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Мурожаатномаси давлатнинг янги ривожланиш босқичида яна бир улкан воқеа бўлди. Ушбу нуктада стратегик шерик сифатида бир неча бор тилга олинган Қозоғистон Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва танлаган йўлида бундан кейин ҳам улкан муваффақиятлар тилайди!

Санат ҚУШКУМБАЕВ,
Қозоғистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Қозоғистон Стратегик
тадқиқотлар институти
директори ўринбосари.

Меҳр-мурувват ва эзгулик шодиёнаси

Мамлакатимизда фарзандлар келажагимиз ворислари, миллатимиз давомчилари сифатида эъзозланади. Ҳамма болалар қатори Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган, ота-онасиз ёки уларнинг қаровисиз қолган ўғил-қизларга юксак ғамхўрлик кўрсатилади.

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

Хар йили Янги йил байрами арафасида ўтказиладиган «Президент арчаси» тадбирлари ана шундай эзгу ишларнинг амалий ифодасидир. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ташкил этилган тантанада Меҳрибонлик уйлари, SOS — болалар маҳалласи, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ижтимоий кўмакка муҳтож, кам таъминланган оилалар ҳамда Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида ҳалок бўлганларнинг фарзандлари тақдир қилинди.

Сарой фойбесида ўйинчоқ ва чироқлар билан безатилган арча атрофида Қорқобо Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари, таниқли санъаткорлар байрамга ошқан болажонларни хушнудлик билан кутиб олди. Янграган куй-қўшиқлар, эртак қаҳрамонларнинг ҳазил-мутойибалари йилгиланларга кўтаринки кайфият улашди. — Юртимизда ҳар бир инсон азиз, — дейди Тошкент шаҳридаги А. Хлебущкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи директори Шаҳри Бердиева. — Айниқса, фарзандларига меҳр-муҳаббат кўрсатиш халқимизнинг азалий қадрияти. «Президент арчаси» байрам тантаналарида халқимизнинг ана шундай инсонпарварлик, болажонлик, меҳр-оқибатлилик фазилатлари яна бир бор намоён бўлади. Болаларга кўнч, бир умрга унутилмас хотиралар туҳфа этади.

Тадбирда «Муъжизалар бор экан» номли сахналаштирилган мусикий дастур болажонлар эътиборига ҳавола қилинди. Қизиқарли саргузаشلарга бой воқеалар, куй-қўшиқлар, рақсларни ўзида жамлаган саҳна кўриши асосида кичкинтойлар дўстлик, иноқлик, билим ва тафаккур муъжизалар яратишга қодир эканини гувоҳи бўлдилар. Еш иктидор соҳиблари, турли олимлар ва билимлар беллашувлари, спорт мусобақалари гоилибларининг чиқишлари намойиш этилди.

Президентимизнинг ўқув қуроллари, китоблар, турфа ширинликлардан иборат совғалари кичкинтойларга топширилди. Оролбўйи шаҳар ва туманларида ҳам «Президент арчаси» тадбирлари катта шодиёналар билан нишонланди. 696 нафар болажонга «Президент совғаси» тантанали равишда тақдим этилди. Жумладан, Нукусда бўлиб ўтган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М. Ераниязов Президентимиз раҳнамоллигида мамлакатимизда кенг қўллами ислохотлар амалга оширилаётгани, айниқса, ёш авлод тағлим-тарбияси, ижтимоий ғимояси юксак эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Бизни ардоқлаган, қўнгилмизга кўнч солаётган Президентимизга

ташаққур, — дейди Хўжайли шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Феруза Барлиқбаева. — Совғалардан бошимиз кўкка етди. Барча тенгдошларимиз қатори юртимиз қорига ярайдиган инсонлар бўлиб улғайишга интиламиз.

Анджон вилояти кўғирчоқ театрида ўтказилган «Президент арчаси» тантаналари эртамиз эгалари қалбига катта қувонч улашди. Унда вилоят ҳокими Ш. Абдурахмонов сўз олиб, кичкинтойларни айём билан қутлади. Шундан сўнг 758 нафар ўғил-қизга Президентимиз номидан байрам совғалари тарқатилди.

— Қўшиқ айтишни яхши кўраман, — дейди Анджон шаҳридаги 24-умумтаълим мактаби ўқувчиси Нилуфар Давидова. — Шу боис бугунги тадбирда дўгонларим билан қўшиқ куйлаб, рақсга тушдик. Бериладиган совғалар барчамизга жуда ёқди.

Тадбирда «Истиқлол ноҳиллари» нодавлат таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан тайёрланган байрам дастури, «Меҳрдан ёққан ёғду» ҳамда «Соҳибжамол ва малика»



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

номли спектакллар намойиш этилди. Урганч шаҳрида ўтказилган анъанавий «Президент арчаси» тадбирида Хивадаги болалар шаҳарчаси, SOS — болалар маҳалласи вилоят бўлими, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, эҳтиёманд, кам таъминланган оилалар фарзандлари қатнашди. Байрамона безатилган арча атрофида фаол бўлган болажонларга Президентимиз номидан байрам совғаларини Хоразм вилояти ҳокими И. Собиоров топширди. Кўзлари қувончдан порлаган болалар самимий меҳр ва эътиборни билан ҳис қилиб, келгусида аъло баҳоларга ўқишга ваъда бердилар. Қорқобо ва Қорқиз билан бирга рақс тушиб, шеърлар айтдилар, интеллектуал ўйинларда фаол иштирок этдилар. Вилоят кўғирчоқ театри жамоаси томонидан намойиш қилинган «Маллавоининг орзуси» спектакли болажонларда катта таассурот қолдирди. — «Президент арчаси» тадбирини ўғил-қизларимиз интиқлик билан кутди, — дейди Хива болалар шаҳарчаси директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак. — Муъжизавий байрам кичкинтойларга бениҳоя шодлик ва қувонч улашиб, қалбларига бир умрга муҳрлиб қолади. Бундай юксак меҳр-мурувватни ҳис қилиб улғайётган ёшлардан келажақда эл-юртнинг чинакам фидойилари этишиб чиқишига ишончимиз қомил. Наманган вилояти мусиқали драма театри биносида ташкил этилган «Президент арчаси» байрам тадбирида вилоят ҳокими Х. Бозоров болаларни Янги йил билан қизгин табриқлади ва уларга давлатимиз раҳбарининг совғаларини топширди. Болажонлар ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофида байрам дастуридан баҳраманд бўлдилар. Театр аъёлари тақдим этган «Қорқобо совғаси» спектакли жажжи томошабинларга бир олам завқ бағишлади. — Бугунги байрам ва Юртбошимиз номидан берилган совғалар бир умр ёдимизда сақланиб қолади, — дейди Қосонсой туманидаги 32-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ахрорбек Омиллаев. — Бундай эъзоз ва ғамхўрликка аъло ўқиб, Ватанга муносиб фарзанд сифатида камол топиш билан жавоб қайтарамиз. «Президент арчаси» тантаналари мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўлиб ўтмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари тайёрлади.

ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИНИ АҲОЛИГА ЕТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг ташаббусига биноан, адлия вазирининг «Қабул қилинаётган қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш, қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлигини таъминлаш тўғрисида»ги ахбороти эшитилди. Тадбир 2017 йил 12 июль куни депутатлар, сенаторлар ва сиёсий партиялар вакиллари билан учрашув чоғида Президент томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мамлакатимиз раҳбарининг жорий йилда қабул қилинган «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, «Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилигини янада аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳуқуқий жиҳатдан хабардор қилиш сифатини ошириш ишида

янги босқичнинг бошланиши бўлганлиги таъкидланди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, қонунларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида кенг жамоатчилик ўртасида тушунириш ишларини ўтказиш, умумий аҳамият касб этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга доир шарҳларни эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди. — Адлия вазирлиги ўз фаолиятида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини ижрочилиги ва фуқароларга етказилишига замонавий услубларидан фойдаланмоқда,

— дейди вазирлик вакили Ф. Тоҳиев. — Хусусан, «Facebook», «Twitter» ижтимоий тармоқларида саҳифалар очилган бўлиб, унда биз қонунлар, Президент қарорлари, фармонлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини фуқаролар ва обуначилар учун оддий ҳамда тушунарли бўлган тилда етказмоқдамиз. Бундан ташқари, жойларга чиқиш мобайнида аҳоли билан учрашяймиз, тушунириш ишларини олиб бораёямиз. Маҳаллаларда «Адлия бурчаги» ташкил этилиб, у ерда

фуқаролар йиғинлари аҳолисини таълимга солаётган муаммолар юзасидан маслаҳатлар ўтказяймиз. — Шу йилнинг 12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини туғри тушуниш ва самарали амалга ошириш учун уларни аҳоли ҳамда ижрочиларга етказиш муҳимлигини таъкидлаган эди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш. Мамажонов. — Адлия вазирлиги билан биргаликда қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказяймиз, бунда жойлардаги ишларга алоҳида эътибор қаратяймиз. Шу билан бирга, бугунги кун воқеалиги бизнинг биргаликдаги ҳаракатларимиз етарли даражада эмаслигини ва такомиллаштиришни талаб этишини кўрсатмоқда. Шу нукта назардан келиб чиқиб,

мажлис давомида ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишларини белгилаб олдик. Депутатлар Адлия вазирлиги фаолиятини янада ривожлантириш, жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг янада қулай шаклларида кенг фойдаланиш муҳимлигини қайд этиб ўтдилар. Депутатлар ва фракцияларнинг мазкур идора билан ҳамкорлигини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Мухокамалар яқунларига кўра, Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди, қарорда масъул давлат органларига ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган аниқ топшириқлар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

«Бунақаси хаёлимизга келмаган эди. Жуда хурсандимиз»

Президентимизнинг шу йил 28 декабрдаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармони юртдошларимиз, айниқса, турли соҳа ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

МУНОСАБАТ

Аҳмадали БЕРДИЁРОВ, «Сирдарё ИЭС» АЖ етакчи муҳандиси: — «Байрам байрамдек бўлсин!» дейди халқимиз. Президентимиз имзолаган Фармон билан танишиб, шу ибора хаёлимдан ўтди. Қувончимиз кўшалоқ бўлди. Нафақат Янги йил, балки бошқа

айёмлар муносабати билан ҳам бир эмас, бир неча кун дам олиш имконияти берилиши биз, муҳандислар учун ҳам жуда катта хурсандчилик-да ахир. Қаранг-а, вақти тизгизлиги тўғрисида ота-онаси ёки ақилларини байрам билан телефон орқали қўламоқчи бўлганлар энди бема-

лол уларнинг ҳузурига бориб, дийдорлаша оладилар. Халқимиз оилавий зиёратга, қадимий қадамжоларга боришни маънавият кўзгуси, деб билади. Ҳужжатда дам олиш кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида ички саёбатни хоҳловчи оилалар учун транспорт ҳамда меҳмонхона хизматларида чегирмалар, ақциялар тақдим этилиши назарда тутилган. Бу ҳам жуда улкан рағбат. Биз оилавий саёбатга чиқишни мўлжаллаб турибмиз. Кискасиз, айём шуқуҳи кезиб юрган айна кунларда ушбу хушхабардан бошимиз осмонга етди.

Ҳайдарали АБДУСАЛИМОВ, Наманган педагогика коллежи ўқувчиси: — Тўнчқиз қизимизни Самарқандга узатганимиз. Кўпинча фарзандимиз ва набираларини йўқлаш учун олис манзилга шоша-пиша бориб-келишга тўғри келарди. Бу галги Янги йил байраминда ҳам куддлариникига боришни кўзлаб тургандик. Шундай паллада давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган Фармон режаларимизни янада мақсадли тузишга туртки берди. Беш кунлик дам олиш имкониятидан фойдаланиб, хотиржам сарфар қилиб қайтамиз. Бу муддат нафақат яқинларимиз билан

дийдорлашиб, балки қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, шунингдек, Биринчи Президентимиз мангу қўнин топан ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишимиз учун ҳам етарли. Анчадан бунён мўлжаллаб юрган эзгу ниятларимиз амалга ошаётган бўлди. Бундан беҳад бахтиёримиз.

Савид ОКҚИЕВ, «Нуроний» жамғармаси Олот тумани бўлими раиси: — Янги йил байраминини шоду хуррамлик билан қарши олишга

тайёргарлик кўраётган эдик. Юртбошимизнинг ушбу Фармони билан оммавий ахборот воситалари орқали танишиб, хурсандчилигимиз янада ортиди. Бунақаси хаёлимизга келмаган эди. Жуда хурсандимиз. Ҳужжатга мувофиқ, Янги йил, Наврўз ва Мустақиллик байрамларига тўғри келган қўшимча ишланмайдиган кунлар қонунчиликда белгиланиб, айрим дам олиш кунларини ушбу айёмлар саналарига яқин бўлган иш кунларига кўчирилди. Шунингдек, муқаддас Қурбон ҳайит ва Рамазон ҳайит-

да ҳам ана шундай қулайлик яратилиши кўзда тутилибди. Бу дам олишнинг давомийлигини таъминлаш баробарида, аҳолига қулайлик туғдирди. Ишчи-ҳодимларнинг рисоладагидек ҳордиқ чиқариб, ўз вазифаларини бажаришига янгича куч-ғайрат билан киришишларига замин яратди. Ички туризм ривожланди. Бундай хайирли ташаббус юртдошларимизга кўтаринки руҳ бағишлади. Уларнинг юз-кўзида қувончун хаяжон. Одамлар ислохотларни бугун ҳис этаётгани, ўтаётган кундан рози бўлиб яшаётганининг яққол тасдиғи бу!

«Халқ сўзи» мухбирлари тайёрлади.

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 2018 йил 1 январь, душанба кунини чиқарди).

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 73 542 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. Телефонлар: Левонона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов, Навбатчи — Д. Қаримов, Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.25. Топширилди — 01.55 1 2 3 5 6.